

**Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши бўйича
ШАРТНОМА № 13**

2022 йил «20» апрель

Жиззах шахри

Жиззах вилоят хокимлиги ягона буюртмачи хизмати “Жиззах миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Анорбоев, бир томондан, ва SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор С.Кувондиқов иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ Бахмал т Кутлугобод МФЙ Калтатой 3- мактабга борувчи йулни лойиха смета хужжатларини тайёрлаш обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик хужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиши мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

Ишни якунлаш: 7 (етти) кун.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати танлов комиссиясининг 2022 йил 15-апрелдаги № 66517- сонли мажлис баённомаси қарорига асосан ҚҚС билан 4 366 130

Турт миллион уч юз уттиз уч минг бир юз уттиз сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очиқdir. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳак тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш хукуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирил- маган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятини зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. Объект бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида куйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий хужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш; 3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки

қўшимча ёзма битим тузилади. Кўшимча ёзма битимдаги лойиҳадаги

камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул килаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин кациликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қиласди.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижроидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўкач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргалиқда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуидаги хуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижроидан қуидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;
- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;
- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;1- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар қопланишини Ижроидан талаб қилиш. қилиш.
- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатар

аниқланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйргуи билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйлади.

4.4. Ижрочи қуидаги хуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартираса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштираса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равища огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилингандан ҳолда, шартномани бекор қилиш ташабbusи билан чиқсан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийdir. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиши.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равища қилингандан ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчилиқда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарлиқдан озод қилмайди.

8. Низоларни хал этиши.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар **Жиззах** туманларо иктисадий судида кўриб чиқиласди.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнғин, сув тошқини, штурм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, қўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъкиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридағи бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Фазначилик бошкармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижроҷида сакланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БЮОРТМАЧИ:

“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Жиззах шаҳри. Маданият махалласи.
Паҳтакор кучаси 10 уй
Ш/х 304521860084017045129118100
ИНН: 304 897 494, МФО ОКЭД: 71 120
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Фазначилиги
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош
бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО 00014 ИНН 201129919

Директор  Н.Анорбоев

ИЖРОЧИ:

“SANGZOR PROJECT INVEST” МСН

Манзил; Жиззах ш. А.Навоий қуч 12 а уй
Тел: +99855 151 71 15, 99 561 33 20
х/р: 2020 8000 7007 8577 0001
ИНН: 304961108
Банк: Алока банк Жиззах ф/л
МФО: 00401



Директор  С.Кувондиков

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хulosаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилек талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига кура кўйдагилар аникланди:

- Шартнома лойихаси Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилаётган пуррат шартномаси шартлари конунчилек талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 686-708-моддалари хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.
- Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

“Жиззах МИБХ” ДУК
Бош юристконсультант


Ф. Кулматов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи
хизмати давлат унитар корхонаси
директори

Ш.Анорбоев

2022 йил



“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси танлов комиссиясининг ўтказилган энг яхши таклифни танлаш натижалари бўйича танлаш иштирокчилардан шикоят тушмаганлиги тўғрисида

БАЁННОМА № 15С

“20” апрель 2022 йил

Жиззах шаҳри

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- | | |
|---------------------------|--------------------------------|
| 1. Саримсоқов Шароффиддин | Бош мухандис, комиссия раиси |
| 2. Шойматов Санжар | Булим бошлиги, котиб |
| 3. Умурзаков Шодиёр | Бош хисобчи, комиссия аъзоси |
| 4. Қулматов Фарход | Юрист, комиссия аъзоси |
| 5. Жумаев Саидахмад | Булим бошлиги, комиссия аъзоси |
| 6. Боймурадов Шавкат | Булим бошлиги, комиссия аъзоси |

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА :

Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисида 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли конунига асосан 2022 йил 15-апрелда электрон тизим оркали ўтказилган энг яхши таклифни танлаш натижалари мухакамаси тўғрисида

ЭШТИЛДИ : Танлов комиссияси раиси Ш.Саримсоқов сўзга чиқиб давлат харидлари электрон тизими оркали

Лот рақами	Объект номи	Буюртмачининг таклиф нархи	Танлаш голибининг таклиф нархи
1	2	3	4
22110012066566	Галлаорол т Дустлик МФЙ 5 ва 24-сонли МТМга олиб борувчи йулни лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	4 463 000	2 677 800
22110012066555	Галлаорол т Г.Гулом МФЙ Ватанпарвар кучасини лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	3 522 000	2 113 200
22110012066547	Галлаорол т Гулистон КФЙ Абдукарим кишлогини лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	3 752 000	2 251 200
22110012066534	Галлаорол т Губдин МФЙ Кучарбулук-2 кучасини лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	3 868 000	2 320 800
22110012066528	Бахмал т Оккургон кишлоги ички йулини loyихa смета хужжатларини тайёрлаш	4 571 000	2 742 600
22110012066517	Бахмал т Кутлугобод МФЙ Калтатой 3- мактабга борувчи йулни лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	5 981 000	4 366 130

22110012066499	Бахмал т Янгибог МФЙ 37-мактабга борувчи йулни лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	4 305 000	3 228 750
22110012066479	Бахмал т Тонготар МФЙ 14-кучани лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	2 867 000	2 150 250
22110012066475	Бахмал т Тонготар МФЙ 11-кучани лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	3 891 000	2 918 250
22110012066419	Бахмал т Тонготар МФЙ 4-кучани лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	2 451 000	1 838 250
22110012066393	Бахмал т Тонготар МФЙ 2-кучани лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	2 657 000	1 992 750
22110012066365	Бахмал т Нурафшон МФЙ 21-кучани лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	2 491 000	1 868 250
22110012066343	Бахмал т Нурафшон МФЙ 19-кучани лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	3 383 000	2 537 250
22110012066331	Бахмал т Нурафшон МФЙ 29-кучани лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	2 590 000	1 942 500
22110012066305	Фориш т Ойбек МФЙ Машраб 2 кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	6 480 000	3 888 000
22110012066298	Фориш т Узбекистон МФЙ Бахт кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	4 860 000	2 916 000
22110012066285	Фориш т "Сайд" МФЙ Бугомбир 1 кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	3 149 000	1 889 400
22110012066280	Фориш т "Сайд" МФЙ Сайд 2 кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	3 779 000	2 267 400
22110012066275	Фориш т "Сайд" МФЙ Сайд 1 кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	5 668 000	3 400 800
22110012066270	Галлаорол т Кипчоксув МФЙ Хитаюз-1 кучасини лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	2 275 000	1 365 000
22110012066266	Фориш т "Сайд" МФЙ Жайронхона кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	5 038 000	3 022 800
22110012066241	Фориш т "Кизилкум" МФЙ Тулгинбой 2 кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	3 779 000	2 267 400
22110012066221	Фориш т Кизилкум МФЙ Эрали 4 Баурластар кабристон йулнинг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	6 298 000	3 778 800
22110012066216	Фориш т "Кизилкум" МФЙ Эрали 3 кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	3 779 000	2 267 400
22110012066132	Бахмал т Нурафшон МФЙ 12-кучани лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	2 006 000	1 504 500

юкорида кўрсатилган объектлар буйича лойиха смета хужжатларин тайёрлаш учун "SANGZOR PROJECT INVEST" МСНД ғолиб деб топилди, Танлов аъзоларидан 2 (икки) кунлик муддат ичига танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушган ёки тушмаганлигини хакида сўради.


Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари Ш.Умурзаков, Ф. Кулматов, С.Жумаев, Ш.Боймурадовлар сўзга чикиб танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлигини ўз сўзларида маълум килди.

Билдирилган фикр мулохазаларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Мазкур танлашда давлат харидлари электрон тизими оркали голиб деб топилган “SANGZOR PROJECT INVEST” МСНJ билан шартнома имзолансин.

1. Саримсоқов Шароффиддин
2. Умурзаков Шодиёр
3. Кулматов Фарход
4. Жумаев Саидахмад
5. Боймурадов Шавкат



The image shows five handwritten signatures in blue ink, each corresponding to one of the names listed above. The signatures are written in a cursive style and are placed directly above their respective names.